

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ТҮҒРИСИДА

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. «Таълим түғрисида»ги **Қонун** ва Кадрлар тайёрлаш бўйича **миллий дастурни** ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансан.

Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур анграб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

2. Кадрлар тайёрлаш бўйича **миллий дастурни** амалга ошириш Республика комиссияси иловага<sup>\*</sup> мувофиқ тузилсин.

\* Илова берилмайди.

Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Таълим түғрисида»ги **Қонунни** амалга ошириш ишларини мувофикаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;

республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларнинг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофикаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меърий асосини **Миллий дастур** талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиши ташкил қилиш;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимининг Миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;

кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш асосида таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

уч йиллик академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари, олий таълим муассасалари тизимини **Миллий дастур** талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;

Кадрлар тайёрлаш **миллий дастурининг** мониторингини олиб бориш;

**Миллий дастурнинг** бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш **миллий дастурининг** устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун масъул ишчи гурухлари таркиби 2-иловага<sup>\*</sup> мувофиқ тасдиқлансан.

\* 2-илова берилмайди.

Ишчи гурухлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий эксперталарни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272-сонли Фармонига асосан ўз кучини йўқотган)

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонда белгиланган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қиласин.



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли «Устоз» республика жамгармаси фаолиятини таъминлаши тўғрисида»ги қарори.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1997 йил 6 октябрь,  
ПФ-1869-сон

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 275-модда; 2000 й., 4-сон, 115-модда)